

**НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАҚИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ
ШАРТНОМА**

Урганч тумани

№- 100072 02-1

2022 йил « 02» феврал

Кушқунир туман ободонлаштириш бошқармаси кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи номидан устав асосида фаолият юритувчи раҳбари Ю. Шаймуродов бир тарафдан ва иккинчи тарафдан «Урганч нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи номидан устав асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари С.Маткаримов ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га шартноманинг бўлинмас қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги «Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 4664-сонли қарорининг 8-банди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 майдаги 27-сонли йиғилиш баёнига асосан ва «Ўзбекнефтегаз»АЖнинг 2020 йил 6 майдаги 01-10-1/43-сонли видеоселектр йиғилиш баёнига асосан бюджет ташкилотларига ўтган ҳафтадаги биржа савдоларининг ўртача биржа нархларида дизел ёнилгиси ЭКО бир тоннаси **11 528 456** сўм, баҳоларда **0,950** тоннани белгиланган муддатларда етказиб бериш мажбуриятини олади. «Истеъмолчи» ушбу махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартнома умумий баҳоси **10 952 033,2** сўмни ташкил этади.

II. ЎЗАРО ХИСОБ – КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. «Етказиб берувчи» ва «Истеъмолчи» ўртасида ўзаро ҳисоб – китоб негизида ушбу шартнома тузади. Ҳисоб – китоблар тўлов топшириқномаси асосида амалга ошади.

2.2. «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб – рақамига махсулот баҳосининг 100 фоизи миқдорида маблағни олдиндан ўтказгандан кейин нефт махсулот етказиб берилади.

III. МАХСУЛОТ СИФАТИ

3.1. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини сифати ГОСТ, ТУ стандарти талабларига жавоб бериши ва товар транспорт юк ҳужжатларида акс эттирилиши лозим.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Нефт махсулотларини «Истеъмолчи»га етказиб бериш, «Етказиб берувчи» ҳисоб – рақамига пул маблағлари келиб тушгандан кейин график асосида «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспорт воситаларида амалга оширилади ва хизмат ҳақи суммаси товар транспорт юк хати ҳужжатларида ёзилади ва «Истеъмолчи» томонидан тўланиши шарт.

4.2. Нефт махсулотларини сифати ва миқдори юзасидан бир – бирига ўтиш ҳуқуқи «Истеъмолчи» томонидан уларни қабул қилиб олинаётган жараёнида хал қилинади.

4.3. Нефт махсулотларини топшириш, қабул қилиш «Истеъмолчи» томонидан комиссиявий тартибда ва топшириш ишончномаси хайдовчи экспедитор иштирокида амалга оширилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Нефт махсулотлари нарҳини тўлашдан бош тортгани учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га махсулот нарҳини 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан махсулот етказиб бериш муддати чузиб юборилса ёки белгилангандан кам миқдорда етказиб берилса «Истеъмолчи»га мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

5.3. Агар ушбу шартномада томонларнинг жавобгарлиги белгиланмаган бўлса, у ҳолда жавобгарлик даражаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик бўйича чоралар курилишига қафолат беради.

VI. ФОРС – МОЖОР ХОЛАТЛАРИ

6.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган фавқулотдаги ҳолатлар (сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлса, оқибатда шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса тарафлар жавобгарликдан озод этилади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгартиришлар ҳар икки тараф томонидан ёзма равишда амалга оширилган ва имзоланган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Мустақил равишда ўзаро келишув орқали хал қилиб бўлмайдиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлари орқали хал қилинади.

7.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилади.

7.4. Шартноманинг етказиб бериш ва амал қилиш муддати **2022 йил 7-феврал**

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

«Етказиб берувчи»

«Истеъмолчи»

«Урганч нефт базаси» МЧЖ
Урганч т. Паррандачилик фабрикаси пос.
х/р 22604000704268518701
МФО – 00432, ИНН – 204589421
Тош. шах. «Узсаноатқурилишбанк»
АТБ Яшнобод филиали
Тел (362) 35 21-967

Муш. С. Ободонлаштириш бошқармаси
Фил. 51 Фавқулоқ қўққси
х/р: 1000720003211208520010001
Фил. 106943304
Жавобгарлик даражаси: 201122919
х/р: 2340200030010001010

С.Маткаримов


Ю. Шаймуродов


ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 437, 456 моддалари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига мувофиқ тайёрланган.
Тарафларнинг жавобгарлик меъёрлари ва низоларни хал қилиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

Ҳуқуқшунос:

Ж. Абдурахимов

Ж. Абдурахимов